

Баракага тўла ой



Баракага тўла ой

Рамазон

13:08 / 25 февраль 165

Алҳамдулиллаҳ, муборак Рамазон ойига ҳам етиб келдик. Бу ойнинг улуғлигини билмаган, баракасини англамаган бирор мусулмон йўқ. Аллоҳ таоло бу ойни ибодатга хослади. Бу ойда бандаларга Аллоҳ таолонинг чексиз раҳматлари нозил бўлади. Биз Унинг раҳматларини тасаввур ҳам қила олмаймиз. Бу ойда шундай амаллар борки, уларни ҳар бир мусулмон биледи ва бажаради ҳам. Масалан, бу ойда рўза тутиш фарз қилинган. Алҳамдулиллаҳ, мусулмонлар Аллоҳнинг тавфиқи ила рўза тутадилар. Яна, таровеҳ ўқийдилар, бу суннат амални жамоат бўлиб бажариш саодати мусулмонларга насиб бўлади. Лекин ҳозир бошқа бир жиҳатга эътиборингизни тортмоқчимиз. Одатда, муборак Рамазон ойида фақат рўза тугилади ва кечаси таровеҳ ўқилади, холос, бундан бошқа айри хусусияти йўқ, деб тушунилади. Тўғри, бу икки ибодат Рамазон ойнинг энг катта ибодатларидан эканида шубҳа йўқ. Лекин фақат шунинг ўзигина эмас, балки, муборак Рамазон бундан ҳам кўпроқ нарсани талаб қилади. Куръони каримда Аллоҳ таоло шундай дейди:

«Жин ва инсонни фақат Менга ибодат қилишлари учунгина яратдим» (Зарият сураси, 56-оят).

Ушбу ояти каримада Аллоҳ таоло инсонни яратишдаги асосий мақсадини баён этди. У ҳам бўлса, инсон фақат Аллоҳга ибодат қилсин. Яъни, Аллоҳ жинлар ва инсонларни фақат бир иш учун яратдики, улар Ўзинигина

ибодатини қилсинлар. Инсон ҳаётининг моҳияти, унинг дунёга келиши ва дунёда яшашининг асл мақсади шу – у фақат Раббига сиғинсин, тамом!

«Рамазонни қандай ўтказамиз?» китобидан

Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2025 йил 7 ноябрдаги 03-07/7307 рақамли ҳулосаси асосида тайёрланди.